

**«UzAuto Motors Powertrain» АЖ ягона акциядорнинг акциядорлар  
умумий йиғилишининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича  
№ 42-2022/04-сонли қарори**

Тошкент шаҳри,  
А.Темур кўчаси, 13-уй

2022 йил «04» апрель  
соат: 11:00

«UzAuto Motors Powertrain» акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда - Компания) 2022 йил 04 апрел ҳолатига депо ҳисобварағидаги кўчирмасига асосан, Компаниянинг 139 837 000 000 дона, яъни 100% (фоиз) акциялар пакети «UzAuto Passenger Vehicles Management» МЧЖга тегишли.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 58-моддасига асосан, барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Ушбу Қонун ва жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади.

Ушбу Қарор 2022 йил 04 апрель куни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Компания уставига мувофиқ ёзма шаклда расмийлаштирилди.

**Компания уставининг янги таҳрири тасдиқлаш тўғрисида.**

Компания бошқарувчи директори С.Гулямовнинг маълумотномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 27 августдаги № СҚ-379-IV-сонли қарорига асосан, Компания жойлашган ер майдонлари Тошкент вилояти, Зангиота туманидан Тошкент шаҳар, Сергели туманига ўтказилган. Юқоридагиларга асосан, Компания уставининг 2.2. банди, яъни Компаниянинг юридик манзилига тегишли ўзгартиришлар киритиш лозим.

**Кун тартибдаги масала юзасидан Қарор  
(мазкур қарор учун 139 837 000 000 дона овоз берилди):**

1.1. Компаниянинг янги юридик манзили Тошкент шаҳар, Сергели тумани, 111800, Хонобод ҚФЙ, Қумариқ маҳалласи, Истиклол кўчаси 1-уйга ўзгартирилсин.

1.2. Компаниянинг янги таҳрирдаги устави ушбу Қарорнинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқлансин.

1.3. Компания уставининг янги таҳририни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш Компания бошқарувчи директори С.Гулямов зиммасига юклатилсин.

“UzAuto Motors Powertrain” АЖ  
ягона акциядори номидан

«UzAuto Passenger  
Vehicles Management» МЧЖ  
Бош директори



Б.Ахунов